

Хориждаги ёшлар масалалари сектор раҳбарлари томонидан ўрганилмоқда...



Бугун Қумқўрғон тумани ҳокими, туман сектор раҳбарлари ҳамда хориждаги ёшлар иштирокида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Қизғин ўтган онлайн учрашувда хорижда юрган тумандошларимиздан 184 нафар ёш иштирок этиб, 24 нафар ёшларнинг таклиф ҳамда мурожаатлари сектор раҳбарлари томонидан тингланди ва тегишли мутасадди ташкилотларга йўналтирилди.

Туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари хориждаги ёшлар билан ҳар ойда бир мартаба онлайн учрашув ўтказиб ёшларнинг таклиф ва муаммолари билан ўртоқлашишга келишиб олишди.